

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**ХАСАНОВ БАХРОМ БАХОДИРОВИЧ**

**ТЎСИҚ КОНСТРУКЦИЯЛАР УЧУН КЎМИР ЧИҚИНДИЛАРИ  
АСОСИДАГИ ҒОВАК ТЎЛДИРГИЧЛИ ЕНГИЛ БЕТОНЛАРНИНГ  
ХОССАЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**05.09.05 – Қурилиш материаллари ва буюмлари**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021 йил**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация  
автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора (PhD) философии по  
техническим наукам  
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Хасанов Бахром Баходирович**

Тўсиқ конструкциялар учун кўмир чиқиндилари асосидаги ғовак  
тўлдиргичли енгил бетонларнинг хоссалари ва технологик  
хусусиятлари.....5

**Хасанов Бахром Баходирович**

Особенности технологии и свойств легкого бетона на пористом заполнителе  
из отходов угледобычи для ограждающих конструкций.....21

**Khasanov Bakhrom Bakhodirovich**

Features of technology and properties of lightweight concrete on a porous  
aggregate from coal mining waste for enclosing structures .....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works.....42

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**ХАСАНОВ БАХРОМ БАХОДИРОВИЧ**

**ТЎСИҚ КОНСТРУКЦИЯЛАР УЧУН КЎМИР ЧИҚИНДИЛАРИ  
АСОСИДАГИ ҒОВАК ТЎЛДИРГИЧЛИ ЕНГИЛ БЕТОНЛАРНИНГ  
ХОССАЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**05.09.05 – Қурилиш материаллари ва буюмлари**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021 йил**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/T831 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент архитектура-қурилиш институти ва Наманган муҳандислик-қурилиш институтларида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)), Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.taqi.uz](http://www.taqi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-тўғрм порталда ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Шажаров Тўйғунжон Турғуневич техника фанлари номзоди, доцент
Расмий оponentлар:	Цой Владимир Михайлович техника фанлари доктори, доцент Саггоров Зафар Мурадович техника фанлари номзоди, профессор
Етакчи ташкилот:	Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги DSc-26/30.12.2019.T.11.1 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «19» июль соат 9<sup>00</sup> да Архитектура факультетининг мажлислар залида бўлиб ўтди. (Манзил: 100011, Тошкент ш., Абдулла Қодирий кўчаси, 7В-уй. Тел.: (99871) 241-10-84; факс: (99871) 241-80-00, e-mail: [devon@taqi.uz](mailto:devon@taqi.uz), [taqi@atm.edu.uz](mailto:taqi@atm.edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 54-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100084, Тошкент ш., Кичик Халқа йўли кўчаси, 7-уй. Тел. (+99871) 235-43-30; факс: (+99871) 234-15-11, e-mail: [taqi@atm.edu.uz](mailto:taqi@atm.edu.uz)).

Диссертация автореферати 2021 йил 6 июль куни тарқатилди.  
(2021 йил "10" июлдаги 2 - рақамли реестр баённомаси).



Х.А. Акромов  
Илмий раҳбарлар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.Х. Қамбаров  
Илмий раҳбарлар берувчи илмий  
кенгаш раиси котиби, т.ф.д., профессор

Н.В. Қасимов  
Илмий раҳбарлар берувчи илмий  
кенгаш қошдаги илмий семинар  
раиси ўринбосари, т.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон қурилиш саноатини жадал ривожлантириш ва ёқилғи - энергия ташувчилар учун нархларнинг кўтарилиши қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқаришда ресурс ва энергия тежамкор технологияларни яратиш ва амалга ошириш зарурлигига олиб келмоқда. Бу борада, жумладан қурилиш материаллари ва буюмлари соҳасидаги янги турдаги энергия самарадор материаллардан фойдаланиш, энергия тежамкор технологияларни самарали қўллаш, янги қурилиш материаллари ва буюмлари ва уларнинг мавжуд технологиясини такомиллаштириш ва бу орқали енгил ғовак тўлдирувчи ва бетонларнинг физик-механик ва физик-кимёвий хоссаларини яхшилаш масалалари етакчи ўринни эгаллаган. Шу жиҳатдан маҳаллий хомашё ва кўмир чиқиндилари асосидаги ғовак тўлдирувчили енгил бетонлар ишлаб чиқариш ва энергия тежамкор қурилиш материаллари ва буюмларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда ғовак тўлдирувчили, енгил бетонларни тайёрлаш ва ишлаб чиқариш уларнинг хоссаларини яхшилашга йўналтирилган кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, юқори сифатли, энергия самарадор енгил бетонларни ишлаб чиқариш учун ғовак тўлдирувчиларни танлаш, учувчан кулли қўшимчалардан фойдаланиб қотаётган цемент тошининг структураси ҳосил бўлишини бошқариш, енгил бетонларнинг таркибини оптималлаштириш, ғовак тўлдирувчи ва минерал боғловчи орасидаги контакт зонасини яхшилаш, мустаҳкамлик структурасини шакллантиришга йўналтирилган кўплаб илмий-тадқиқот ишларини олиб борилмоқда. Шунга боғлиқ равишда, енгил бетонларнинг физик-механик хоссаларини тадқиқ этиш, маҳаллий хомашё ва кўмир чиқиндилари ресурсларидан фойдаланиб цемент сарфини камайтириш, энергия тежамкор деворбоп материаллар ишлаб чиқариш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда қурилиш индустриясини ривожлантириш, қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқаришни модернизациялаш, маҳаллий ва иккиламчи хомашёлардан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда самарали фойдаланиш ва шу билан бирга ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш каби бир қанча ишлар амалга оширилиб, муайян ютуқларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, "...миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда энергия ва материал сарфини камайтириш, ...ишлаб чиқаришга энергия тежамкор технологияларни кенг тадбиқ қилиш..."<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни бажаришга, шу жумладан маҳаллий хомашёлар ва кўмир чиқиндилари асосидаги ғовак тўлдирувчили енгил бетонлар ишлаб чиқаришда, сифатли ва экологик тоза қурилиш материаллари ва буюмларни ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 майдаги ПФ-5445-сон “Капитал қурилишда лойиҳа ва қурилиш ишларини амалга ошириш тартибини оптималлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони, 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4198-сон “Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335 сон “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республиканинг фан ва технологиялар ривожланишининг II.”Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик” устувор йўналишига мос бажарилган.

**Муаммони ўрганганлик даражаси.** Жаҳон тажрибасида ғовак тўлдирувчили энергия самарадор енгил бетонлардан фойдаланишнинг илмий асослари И.Н. Ахвердов, А.А. Аракелян, Ю.М. Баженов, Г.А. Бужевич, А.И. Ваганов, Г.И. Горчаков, Б.В. Гусев, Ю.П. Горлов, В.Г. Довжик, И.А. Иванов, С.М. Ицкович, Л.И. Карпикова, Н.А. Корнев, Л.П. Курасова, Р.Л. Маилян, Ю.Д. Нациевский, Н.А. Попов, М.З. Симоновлар каби хорижий олимлар томонидан ишлаб чиқилган, улар ушбу соҳадаги изланишларга улкан ҳисса қўшганлар.

Юртимиз олимлари А.Б. Ашрабов, А.А. Ашрабов, Б.А. Аскарлов, Х.А. Акрамов, А.И. Одилхўжаев, Л.М. Ботвина, У.А. Газиев, Э.Касимов, И.Э. Касимов, Н.А. Самигов, А.А. Тулаганов, С.А. Ходжаев, Е.В. Щипачева, Х.Х. Камилов, В.М. Цой, Ш.Р. Низамов, Г.И. Ступаков, Г.В. Самсонова, Ш.Ш. Шаджалилов, Р.Р. Юсупов, З.М. Сатторов ва бошқалар кўп йиллар давомида енгил бетоннинг хоссалари, тузилиши ва хусусиятларини яхшилаш борасида изланишлар олиб боришган ва қурилиш материаллари ва буюмларини ўрганиш соҳасига улкан ҳисса қўшиб, аниқ ютуқлар ва муҳим илмий натижаларга эришганлар.

Бу тадқиқотлар натижасида турли ғовак тўлдирувчили енгил бетонлар назарияси ва технологиясини ривожлантиришга катта ҳисса қўшилган. Мамлакатимиздаги олиб борилган изланишлар енгил бетон хоссаларини ўрганишга ва технологиясини такомиллаштиришга бағишланган. Енгил бетон асосан монолит уй-жой қурилишида тўсиқ деворларни қуриш учун йирик панелли бир ва икки қатламли девор панеллари учун ишлатилади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент архитектура-қурилиш институтининг № ОТ - Атех-2018-179 “Маҳаллий хом-ашёлар ва саноат чиқиндилари асосида енгил ва паст мустаҳкамликдаги бетонлар учун ғовак тўлдирувчилар ишлаб чиқаришнинг ресурс ва энергия тежамкор технологияларини ишлаб чиқиш” (2018-2020 йиллар) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тўсик конструкциялар учун кўмир чиқиндилари асосидаги ғовак тўлдирувчи енгил бетонларнинг хоссалари ва технологик хусусиятларини яхшилаш ва энергия тежамкор турар-жой биноларида деворбоп блокларни қўллашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

енгил бетоннинг физик-механик хоссаларини яхшиловчи янги сунъий ғовак тўлдирувчининг тузилиши ва хусусиятларини шакллантириш ва таркибини аниқлаш;

енгил бетон таркибига қўшилган майда микро-тўлдирувчи (учувчан кул) нинг бетон тузилиши ва мустаҳкамлигига таъсирини аниқлаш;

Ўзбекистоннинг кескин континентал иқлим шароитларида, турар-жой бинолари учун енгил бетондан тайёрланган деворбоп блокларнинг физик-механик хоссаларини унинг иссиқлик узатиш хусусиятларига таъсирини аниқлаш;

турар-жой бинолари учун янги ғовак тўлдирувчи енгил бетондан тайёрланган девор блокларидан фойдаланиш ва унинг техник иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** маҳаллий хом-ашё ва кўмир чиқиндилари асосида олинган ғовак тўлдирувчи енгил бетонлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** маҳаллий хом-ашё ва саноат чиқиндилари асосидаги кўмирли гил тупроқ ва кварцли порфирдан тайёрланган ғовак тўлдирувчи енгил бетоннинг физик-механик, физик-кимёвий хоссалари, тузилиши, технологик хусусиятлари ва техник иқтисодий параметрларини ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари** тадқиқот жараёнида ғовак тўлдирувчи енгил бетоннинг физик-кимёвий таҳлилининг замонавий усуллари инфрақизил-спектроскопик, электрон микроскопик ва термогравиметрик таҳлиллари ва сифат кўрсаткичларини ўрганишнинг стандартлаштирилган усуллари, тажриба натижаларини таҳлил қилишнинг математик моделлаштириш усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

кварцли порфир ва кўмир чиқиндилари асосидаги ғовак тўлдирувчи енгил бетоннинг мустаҳкамлигини оширишда Ангрен ИЭС учувчан кулини минерал қўшимча сифатида қўллаш имконияти асосланган;

цемент сарфини камайтириш мақсадида маҳаллий ИЭС дан чиқувчи учувчан кулни ишлатилиши ва унинг физик-кимёвий таҳлилининг замонавий усуллари инфрақизил-спектр, электрон-микроскоп ва термогравиметрик таҳлиллари аниқланган;

деворбоп материаллар учун фойдаланиладиган енгил бетоннинг ўртача зичлиги ва мустаҳкамлик кўрсаткичларига боғлиқлигини ифодаловчи математик моделлар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон иқлимий шароитларида арзон турар-жой биноларида тўсик конструкциялар учун енгил бетондан тайёрланган энергия тежамкор 20x20x40 см ўлчамдаги деворбоп майда блоклар ишлаб чиқарилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

республика иқлимий шароитларида турар-жой биноларининг тўсиқ конструкцияларида енгил бетонни қўллаш энг самарали ҳисобланади ва шунинг учун уларнинг физик-механик хоссалари ва иссиқлик узатиш хусусиятлари бўйича энг самарадор таркиблар ишлаб чиқилган;

энергия самарадор енгил бетонлар таркиби ва хусусиятларини оптималлаштириш жараёнини автоматлаштириш имконини берувчи ЭХМ дастури ишлаб чиқилган;

ғиштли ёки оғир бетон ўрнига, кварцли порфир ва кўмирли гил тупроқдан тайёрланган янги ғовак тўлдирувчилардан олинган енгил бетонни тўсиқ деворларда қўллаш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** замонавий асбоблар ва стандарт усулларни қўлланилган ҳолда комплекс ўрганилиши, тажрибаларни қурилиш меъёрлари ва қоидалари бўйича ўтказилиши, ўтказилган назарий ва экспериментал тадқиқот натижаларини юқори аниқликда мос келиши ҳамда уларни амалиётга жорий қилинганлиги билан таъминланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий тоғ жинслари ва кўмир чиқиндилари асосида олинган янги ғовак тўлдирувчили енгил бетон тайёрлаш илмий назариялари таҳлилидан ташкил топган, улар енгил бетоннинг таркиби, тузилиши, физик-механик хоссалари ва технологик хусусиятлари ҳақидаги тасаввурни ривожлантиради ва турар-жой биноларида деворбоп блокларни тўсиқ конструкцияларда қўллаш учун шароит яратиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти янги ғовак тўлдирувчили енгил бетоннинг физик-механик хоссалари ва иссиқлик узатиш хусусиятларининг энергия самарадор оптимал таркибини танлаш ва у Ўзбекистон иқлимий шароитларида арзон турар-жой биноларида деворбоп блокларни тўсиқ конструкцияларда қўллаб ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги билан ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши.** “Тўсиқ конструкциялар учун кўмир чиқиндилари асосидаги ғовак тўлдирувчили енгил бетонларнинг хоссалари ва технологик хусусиятлари” бўйича олинган илмий натижалар асосида:

учувчан кулдан фойдаланиб ишлаб чиқарилган ғовак тўлдирувчили енгил бетонларнинг таркиби “Qurilishmateriallariinvest” МЧЖ да жорий қилинган (“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасининг 2021 йил 25 мартдаги 05/15-819-сон маълумотномаси). Натижада 5-10 % цемент сарфини тежаш, сув талабчанлиги 7-9% га камайиш, енгил бетоннинг мустаҳкамлиги 1,17 марта ортишига эришилган;

“Маҳаллий хом ашё ва кўмир чиқиндилари асосидаги ғовак тўлдирувчили енгил бетонларнинг оптимал вариантини танлаш” учун ЭХМ дастури (DGU №07093) олинган ва “Qurilishmateriallariinvest” МЧЖда жорий қилинган (“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасининг 2021 йил



25 мартдаги 05/15-819-сон маълумотномаси). Натижада талаб этилган ўртача зичлик ва мустаҳкамликка эга бўлган енгил бетоннинг таркибини танлаш имконини берган;

Сунъий ғовак тўлдирувчили энергия самарадор деворбоп блокларни тажрибавий ишлаб чиқариш “Qurilishmateriallariinvest” МЧЖда жорий қилинган (“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасининг 2021 йил 25 мартдаги 05/15-819-сон маълумотномаси). Натижада энергия самарадор 20x20x40 см ўлчамдаги майда блоклар тайёрланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотлар натижалари 5 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларини нашр қилиш.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, шулардан, 10 та илмий мақола, жумладан, 1 таси хорижий журналларда, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда республика илмий журналларида 12 та мақола нашр қилинган. Бундан ташқари, ҳисоб дастури учун 2 та патент олинган (DGU № 07093-2019, DGU № 07135-2019).

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми:** Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида бажарилган диссертация тадқиқотларининг долзарблиги асосланган, тадқиқотларнинг мақсад ва вазифалари ҳамда тадқиқот объекти ва предмети келтирилган, тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларга мос келиши кўрсатилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва олинган натижаларнинг ва илмий-амалий аҳамияти ифодаланган, тадқиқот ишлари натижаларининг апробацияси ҳақида маълумотлар ва диссертация мавзуси бўйича чоп этилган илмий мақолалар, шунингдек, диссертация структураси ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Енгил бетонлар мустаҳкамлилиги, уларни энергия самарадор турар-жой бинолари қурилишида қўллашнинг замонавий ҳолати”** деб номланган биринчи бобида илмий муаммонинг замонавий ҳолатини аналитик шарҳлари келтирилган. Унда энергия самарадор қурилиш материаллари ва буюмларни олиш усуллари, енгил бетоннинг нархи ва материаллар сарфини камайтириш, уларнинг физик-механик хоссаларини яхшилаш бўйича Республикамиз ва хорижий тадқиқотчилар томонидан олиб борилган илмий ишларнинг натижалари чоп этилган адабий манбаъларни таҳлили ёритилган.

Сўнгги бир неча ўн йилликларда бутун дунёда энергия самардор материаллар ишлаб чиқариш сезиларли ўсган ва энергия истеъмолининг ортиб боровчи умумий тенденцияси ҳам сақланиб қолмоқда. Шунинг учун, энергия истеъмоли самарадорлигини ошириш ва иссиқлик газларининг

атмосферага чиқишини камайтириш масалалари бутун жаҳонда алоҳида долзарблик ва устувор аҳамият касб этмоқда.

Бу инсон фаолияти атроф муҳитга сезиларли негатив таъсир кўрсатишни бошлагани билан боғлиқдир. Табиатдаги қазилма бойликлари энергия ресурслари заҳиралари (нефть, газ, кўмир ва бошқалар) чексиз эмаслиги муҳим сабабдир ва уларни тежаш зарур. Шунинг учун, кўпгина давлатларда, биринчидан, саноат, транспорт, қурилиш ва коммунал хўжалик соҳаларида энергия тежамкор технологияларни ишлаб чиқиш ва қўллашга, ва иккинчидан, тикланувчи энергия манбалари – қуёш, шамол, денгиз оқимлари, гидротермал манбалар ва бошқа энергиялардан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу йўналишларнинг замонавий шароитлардаги узвий ўзаро боғлиқлиги самарали энергия истеъмолини таъминлаш имконини беради.

Диссертациянинг **“Қўлланиладиган материалларнинг хусусиятлари ва тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида илмий-тадқиқот ишида қўлланилган ғовак тўлдирувчилар асосидаги енгил бетон хусусиятлари, ҳамда экспериментал изланишлар усуллари ифодаланган. Экспериментал изланишлар ўтказиш учун йирик тўлдирувчи сифатида Ангрэн кўмир кони (кўмирли гил тупроқ) саноат чиқиндилари ва тоғ жинси кварцли порфирдан фойдаланиб, Тошкент архитектура-қурилиш институти “Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари технологияси” кафедрасида ишлаб чиқилган йирик ғовак тўлдирувчи ишлатилган.

Диссертация ишининг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, тадқиқот усуллари асосланган ҳолда танланган. Экспериментал тадқиқотларда, стандартлаштирилган физик-кимёвий усуллар билан бир қаторда физик-кимёвий таҳлил усулларида, хусусан, енгил бетонларнинг структурасини ўрганишда ИҚ-спектроскопик, рентген фаза таҳлиллари, дифференциал термик таҳлиллар ва электрон-микроскоп таҳлилдан фойдаланилди. Стандарт физик-кимёвий усуллардан ташқари, енгил бетон тузилишини ўрганиш бўйича экспериментал изланишларда физик-кимёвий таҳлил, хусусан, ИҚ-спектроскопик, термогравиметрик таҳлил ва электрон-микроскопик таҳлил усуллари ишлатилган. Бундан ташқари, тадқиқот ишларида енгил бетон таркибларини оптималлаштириш учун экспериментларни режалаштиришнинг математик модел усулидан ҳам фойдаланилган.

Таркиб параметрларига кўра, енгил бетонлар сифат кўрсаткичларнинг асосий боғлиқликлари таҳлили ва олинган экспериментал маълумотлар асосида оптимал таркибларни ҳисоблашда функцияларни танлаш учун – енгил бетонларнинг мустаҳкамлиги, сув талабчанлиги ва ўртача зичлигининг математик моделлари келтирилган.

Портландцемент, қум ва сунъий ғовак тўлдирувчининг миқдорларини енгил бетоннинг мустаҳкамлигига таъсири математик моделлаштириш усули билан ўрганилди. Тадқиқотда Бокса-Бенкиннинг иккинчи даражали уч факторли режасидан фойдаланилди ва учинчи даражали регрессия тенгламаси топилди.

Куйидаги факторлар ўзгартириб турилди:

$X_1$  -  $1\text{ м}^3$  бетон наъмунасига сарфланган портландцемент миқдори, кг;

$X_2$  -  $1\text{ м}^3$  бетон наъмунасига сарфланган кум миқдори, кг;

$X_3$  -  $1\text{ м}^3$  бетон наъмунасига сарфланган ғовак тўлдирувчи миқдори, кг;

Оптималлаштириш жараёни куйидаги тенглама сифатида ифодаланади:

$$Y = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2 + a_3x_3 - a_{1,2}x_1x_2 + a_{1,3}x_1x_3 + a_{2,3}x_2x_3 + a_{1,2,3}x_1x_2x_3 + a_{1,1}x_1^2 + a_{2,2}x_2^2 - a_{3,3}x_3^2 \quad (1)$$

Оптималлаштириш экспериментни тўла факторли ортогональ режа бўйича бажарилгани сабабли, таҳлил қилинаётган факторларни энгил бетоннинг мустаҳкамлигига таъсири иккинчи даражали полином кўринишида тасаввур қилиш мумкин.

Энгил бетон мустаҳкамлигининг модели куйидагича бўлади:

$$Y_R = 22,1 + 4,77x_1 - 0,38x_2 - 0,22x_3 - 0,05x_1x_2 - 0,05x_1x_3 + 0,05x_2x_3 - 4,22x_1^2 + 2,73x_2^2 + 1,73x_3^2; \quad (2)$$


бу ерда,  $Y = R_{28 \text{ сут}}$  – энгил бетон наъмунасининг 28 кун қотгандан кейинги сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси, МПа.

Тенгламадан талаб қилинадиган мустаҳкамликка қабул қилинган факторларни кенг миқёсда ўзгартириш орқали эришиш мумкинлигини кўриш мумкин.

Энгил бетоннинг ўртача зичлик модели куйидагича бўлади:

$$Y_\rho = 1573,4 + 30,0x_1 - 7,5x_2 - 4,5x_3 + 1,3x_1x_3 - 1,2x_2x_3 + 8,7x_1^2 + 31,2x_2^2 + 21,2x_3^2;$$

Цемент сарфи, кг/м <sup>3</sup>	С/Ц л/кг	Учувчан кул %	Ўртача зичлик, кг/м <sup>3</sup>	Сиқилишдаги мустаҳкамлик, МПа
$x_1$	$x_2$	$x_3$	$Y_\rho$	$Y_R$




1-расм. Ўртача зичликнинг цемент сарфига ва С/Ц нисбатига чизиқли боғлиқлиги.

Статистик таҳлилнинг икки тури ўтказилган:

1. Чизикли кўринишида
2. Полином кўринишида

Кўп ўлчамли чизикли регрессия тенгламаси махсус matcad 13 дастури орқали ўтказилган эксперимент натижалари бўйича бетоннинг ўртача зичлигининг мустақкамликка боғлиқлик графиклари тузилган (1 ва 2-расмлар).




2-расм. Ўртача зичликнинг цемент сарфига ва С/Ц нисбатига полином боғлиқлиги.

Олинган қонуниятлар асосида, оптимал таркиб ва ғовак тўлдирувчили енгил бетон олиш учун минимал миқдорда цемент сарфланадиган модель яратилди. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида синфи В10 бўлган 1м<sup>3</sup> енгил бетон учун 217 кг портландцемент, 467 кг 0-5 мм фракциядаги қум ва 1003 кг 10-20мм фракцияли ғовак тўлдиргич, енгил бетонга сарфланиши мумкинлиги кўрсатилган.

Маълумки, микротўлдирувчилар (учувчан кул) цемент системаларининг сувга бўлган талабчанлигини камайтириши ҳамда енгил бетоннинг мустақкамлигини ошириши керак. Минерал қўшимчаларни портландцемент ва у асосда тайёрланган енгил бетоннинг сувга талабчанлиги ва қотиш даврининг таъсирини ўрганиш мақсадида назарий ва амалий тадқиқотлар олиб борилган.

**Диссертациянинг учинчи "Янги ғовак тўлдирувчили енгил бетоннинг хоссаларини унинг технологик хусусиятларига таъсири"** деб номланган учинчи бобида янги ғовак тўлдирувчили минерал қўшимчалар (учувчан кул) билан енгил бетон таркибини модификациялашнинг илмий асослари, ғовак тўлдирувчи ва минерал қўшимчани синтези, енгил бетон таркибини танлаш, кварцли порфир ва кўмирланган гилдан тайёрланган ғовак тўлдирувчи ва енгил бетон мустақкамлигининг физик-механик ва физик-кимёвий хоссалари таҳлили келтирилган.


Минерал кўшимча (учувчан кул) ни ғовак тўлдирувчили энгил бетон таркибига киритиш сув-цемент нисбатини пасайтиради, сув сарфининг қисқариши энгил бетон мустаҳкамлик хусусиятларининг ошишига олиб келади, буларнинг барчаси юқори мустаҳкам энгил бетон олиш имкониятларини очиб беради. Бундай жиҳатлар энгил бетоннинг узок вақт хизмат қилишига яъни, унинг умрбоқийлигига ижобий таъсир кўрсатади. Масалан, цемент сарфининг 450-500 кг/м<sup>3</sup> гача бўлганда, ғовак тўлдирувчи сарфи 750 л/м<sup>3</sup> ва айниқса 850-950 л/м<sup>3</sup> бўлган таркибларда, энгил бетон мустаҳкамлилиги жуда кам фарқланади. Бундай мустаҳкамликларда энгил бетон аниқ ғовак тўлдирувчининг мустаҳкамлик чегарасининг қийматларига эришиши билан тушунтирилади. Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, ғовак тўлдирувчининг 850-950 л/м<sup>3</sup> чегарасидаги юқори сарфлари, анънавий сарфлар-750-800 л/м<sup>3</sup> билан таққослаганда, чегаравий мустаҳкамликнинг катта қийматларини ифодалайди.




3-расм. Ғовак тўлдирувчи сарфининг энгил бетон мустаҳкамлилигига таъсири: қоршима таркибининг доимий мустаҳкамлиги (1, 1') ва цементнинг доимий сарфи (2, 2'); 1, 2 –янги ғовак тўлдирувчили энгил бетон учун тадқиқот маълумотлари; 1', 2' - керамзитобетон учун маълумотлар.

Мустаҳкамлиги 25 МПа гача бўлган энгил бетонларни олиш учун тавсия қилинган, республикамизда оммавий ишлаб чиқарилувчи ўртача статистик мустаҳкамлилиги 2,8-3,0 МПа бўлган керамзитдан фойдаланиш экспериментларида М 400 портландцементнинг 450-500 кг/м<sup>3</sup> гача сарфида мустаҳкамлиги 30,0-34,0 МПа бўлган керамзитобетон олиш имконияти мавжуд. Олинган қонуниятларга асосан энгил бетонлар учун ва нисбатан паст мустаҳкамли ғовак тўлдирувчилардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, мустаҳкамлиги 20 МПа гача бўлган энгил бетонлар олиш учун тавсия қилинган ўртача мустаҳкамлилиги 2,5 МПа бўлган янги ғовак тўлдирувчидан 950 л/м<sup>3</sup> сарф билан фойдаланишда, цементнинг 500 кг/м<sup>3</sup> гача бўлган сарфида мустаҳкамлиги 30 МПа гача бўлган энгил бетон олинган. Ғовак тўлдирувчининг 1050 кг/м<sup>3</sup> сарфида эса, цементнинг 220, 300,

400-450 кг/м<sup>3</sup> сарфида мустаҳкамлилиги мос равишда 20; 25; 28,5 МПа бўлган енгил бетон олинган (4-расм).




4-расм. Цемент сарфининг енгил бетон мустаҳкамлилигига таъсири:  
 1,2,3-керамзит  $R=2,8-3,2$  МПа билан, мос равишда, 750, 850, 950 л/м<sup>3</sup>,  
 4-керамзит  $R=3,0-3,6$  МПа билан, 950 л/м<sup>3</sup> маълумотлари бўйича, 5,6- янги  
 зовак тўлдирувчили  $R=2,3-2,7$  МПа, билан, мос равишда 950, 1050 л/м<sup>3</sup>.



5-расм. Енгил бетон мустаҳкамлигининг ( $R_b$ ) қоришма қисми мустаҳкамлигига ( $R_p$ ) боғлиқлиги:  
 1,2,3,4,5-Ю.М. Баженев маълумотлари бўйича керамзитли керамзитобетоннинг мустаҳкамлиги мос равишда 7,0; 6,0; 4,0; 3,0; 2,0 МПа;  
 6- мустаҳкамлиги 2,0-2,5 МПа бўлган кварцли порфир ва кўмирланган гил тупроқли янги зовак тўлдирувчида.

Бизда олинган экспериментал маълумотлар – А.И. Вагановнинг тадқиқотларида асос яратувчи методлари ўрнатилган ва Ю.М. Баженовнинг тадқиқот ишларида тасдиқланган ғоялар, яъни таркибий қоришма мустаҳкамлигига кўра, турли мустаҳкамликка эга бўлган ғовак тўлдирувчили энгил бетон структураси ва чегаравий мустаҳкамликнинг шаклланиши ҳақидаги мумтоз тасаввурлар билан мос тушган (5-расм).

Янги ғовак тўлдирувчили энгил бетон эришган мустаҳкамлиги билан тўсиқ конструкцияларда ишлатилиши мумкин. Бундай мустаҳкамлик (25-30 МПа) ва ўртача зичликка ( $1600 \text{ кг/м}^3$  гача) эга бўлган конструкцион энгил бетонни 5 қаватгача бўлган биноларнинг монолит каркасида, айниқса мустаҳкамлиги 20 МПа бўлган бетонни хусусий секторда кўпроқ қурилувчи 1-2 қаватли биноларнинг сейсмик белбоғларида қўллаш самаралидир. Бундай мақсадлар учун ишлатилувчи оғир бетон юқори зичлиги сабабли, совиш ҳолатини ҳосил қилади, улар орқали катта миқдордаги иссиқлик йўқотилади. Бундан ташқари, энгил бетондан фойдаланиш бинонинг ўз оғирлигини пасайтиради. Ғиштли ёки энгил бетонли блоklar билан тўлдирилган каркас, материалнинг яқин деформатив хусусиятлари ва сейсмика таъсирида биргаликдаги самарали натижани таъминлайди.



6-расм. Ангрэн ИЭС учувчан кулнинг ИҚ спектри

Физик-механик ва физик-кимёвий таҳлил усуллари мураккаб минерал қўшимчалар таъсирида энгил бетон микроструктурасини ва гидратация, кристаллизация каби қайта ташкил бўлиш жараёнларини ўрганиш имконини беради. Энгил бетон структурасини ўрганиш учун инфрақизил спектроскопия, термогравиметрик таҳлил ва электрон микроскопия қўлланилган.

Енгил бетоннинг мустаҳкамлик хусусиятлари фақатгина ўртача зичлиги ва қотиш шароитларига боғлиқ бўлмай, балки гидратация, тузилма ташкил бўлиши жараёнларига, ҳамда қотиш жараёнида микроструктура ва янги ҳосилалар ҳосил бўлишига боғлиқдир.

Микротўлдирувчи сифатида Ангрен ИЭС нинг учувчан кули ишлатилган.


Натижалар таҳлилидан кўринадикки, Ангрен ИЭС нинг учувчан кули ИҚ-спектрида қуйидаги компонентлар идентификацияланган: аморфли кварц  $470,15\text{ см}^{-1}$ ,  $1098,09\text{ см}^{-1}$ ;  $\alpha$  кварц- $787,93\text{ см}^{-1}$ ; кальцит -  $1084,49\text{ см}^{-1}$ ,  $1785,62\text{ см}^{-1}$ ; дала шпати -  $555,02\text{ см}^{-1}$  (6-расм).

Учувчан кул микротўлдирувчисининг енгил бетон структурасига таъсирини аниқлаш учун, оптимал таркибли бетоннинг физик-кимёвий тадқиқоти ўтказилган.

Учувчан кул, қоришма ва бетон тадқиқотлари таҳлилининг барча натижаларини умумлаштириб, барча учта таркибда идентификацияланган компонентлар турли частоталарда қайтарилиши аниқланди.

Тадқиқотнинг биринчи босқичи – бу цементли қоришма: цемент, қум, учувчан кулнинг ИҚ-спектри таҳлилидир.

Ўтказилган тадқиқотлар таҳлили натижаларидан кўринадикки, ИҚ-спектрида қуйидаги компонентлар идентификацияланган: кальцит- $873,75\text{ см}^{-1}$ ;  $\alpha$  кварцит- $777,31\text{ см}^{-1}$ ; доломит  $694,37\text{ см}^{-1}$ ; дала шпати- $648,08\text{ см}^{-1}$ ; альбит- $993,34\text{ см}^{-1}$ ; дала шпати- $437,84\text{ см}^{-1}$ ; гипс-  $365,78\text{ см}^{-1}$ ; кварцит-  $511,14\text{ см}^{-1}$ ; дала шпати- $437,84\text{ см}^{-1}$ ; дала шпати- $555,50\text{ см}^{-1}$  (7-расм).



7-расм. Қоришма наъмунасининг рентгенограммаси (28 сут.): Цемент, қум ва учувчан кул.


Физик-кимёвий тадқиқотлар (рентгено-структуравий ва ИҚ спектр) кварцнинг структура ҳосил қилишдаги иштироки аморфли эканлигини тасдиқлайди. Маълумки, учувчан кул микротўлдирувчиси гидратациянинг паст асосий маҳсулотлари ҳосил бўлишининг ортиши ҳисобига мустаҳкамликни таъминлайди, демак, енгил бетоннинг қурилиш-техник ва эксплуатацион хусусиятларини яхшилайдди.

Бетон ва унинг таркибий қисмлари таркиби тадқиқотлари учун қуйидаги материалларнинг рентгено-структуравий таҳлили қўлланилган: учувчан



кулли қоришма, цемент ва қум, 28 суткадан кейин нормал қотган енгил бетон. Тадқиқотлар SHIMADZU фирмасининг IRAffinity-1 серияли янги авлод спектрофотометрида ўтказилган.

Цемент, қум, учувчан кул фото тасвирлари 8-расмда ифодаланган.



8-расм. а)  $\times 100\mu\text{m}$  қоришма наъмунаси микроструктураси: Цемент, қум ва учувчан кул; б) Рентгенофаза таҳлил.

Қоришма: цемент, учувчан кул микро тузилмаси қотишнинг биринчи суткаларида игнасимон кристаллар, турли бурчаклар остидаги майда пластинкасимон кристал ўсимталари кўринишида ифодаланган, қотишнинг 28 суткалик даврида гидросиликатлар миқдори бир текис кристалл микроструктура ҳосил қилиб секин-аста ортади.

Шундай қилиб, нормал шароитларда қоришманинг қотиш вақтида, қуруқ танланган бошланғич учувчан кулда кальций оксиди ( $\text{CaO}$ ) гидратацияси ҳосил бўлади, қотишда  $\text{Ca(OH)}_2$  тўлиқ ўзлаштирилмайди, бу вақт мобайнида қоришма мустаҳкамлигининг заҳиравий ўсишини таъминлайди. Бу гипотеза наъмуналарнинг 7, 28, 60, 90 ва 180 суткалардан сўнг, тадқиқоти натижасида қоришма мустаҳкамлигининг ўзгариши билан тасдиқланади.

Бундан ташқари, гидратлашмаган цемент доналари каби, учувчан кулнинг майда зарралари – кристаллашув марказларидир, натижада қотган асосли аралашма тузилмаси оптималлашувини таъминлайди. Бирлаштирувчи кўприкчалар сифатида, аввало, узунлиги 3-4 мкм га этувчи эттрингит майда ипсимон кристаллар акс этади.

Диссертациянинг **"Ўзбекистон иқлим шароитларида тўсиқли конструкциялар учун янги ғовак тўлдирувчи енгил бетоннинг физик-механик хусусиятларининг ўзига хослиги"** деб номланган тўртинчи бобида ишлаб чиқилган махсулот таркиби ва технологик параметрлар бўйича кварцли порфир ва кўмирланган гил тупроқли ғовак тўлдирувчи асосидаги енгил бетонлардан  $20 \times 20 \times 40$  см ўлчамли майда блокли махсулотларнинг тажриба серияси ишлаб чиқилган. Енгил бетонларда асосий физик-механик хоссалари ва унинг хусусиятлари тадқиқоти учун қорхона шароитида ҳаммаси бўлиб  $20 \text{ м}^3$ , жумладан, 5-10 мм донали  $8 \text{ м}^3$  ва 10-20 мм донали  $12 \text{ м}^3$  ғовак тўлдирувчи ишлаб чиқарилган. Қорхона шароитида ғовак тўлдирувчининг тажриба партияси ишлаб чиқарилганлиги мос актлар билан тасдиқланган.

Тошкент вилоятидаги “Қурилишматериаллариинвест” масъулияти чекланган жамиятининг ТББ - заводи полигониди 2020 йил май ойида 400x200x200 мм ўлчамли В5 классиди иссиқлик изоляцион конструктив йирик ғовакли енгил бетондан майда блоклар ишлаб чиқарилган. ТАҚИ лабораторияларида ишлаб чиқилган ва “Энергоқурилишиндустрия” корхонасида (Ғазалкент шаҳри) саноат шароитида 20 м<sup>3</sup> ҳажмдаги тажриба партиясидан олинган янги ғовак тўлдирувчидан йирик тўлдирувчи сифатида фойдаланиб, 200 (икки юз) дона майда блоклар партиеси тайёрланган.

Тажриба ишлари натижасида, деворбоп майда блоклар тайёрлаш учун кварцли порфир ва Ангрен ИЭС кўмир кули қўшилган ғовак тўлдирувчи енгил бетондан фойдаланиш самарадорлиги аниқланган. Бунда, 15% миқдордаги цементни иқтисод қилиш, майда блокларнинг қотиш давомийлигини 3,5 марта қисқартириш имконияти кўрсатилган.

Йирик ғовак тўлдирувчи енгил бетондан тайёрланган майда блокларни тайёрлашнинг асосий хусусиятлари 2-жадвалда келтирилган.

Кварцли порфир ва кўмирланган каолинли гил тупроқдан деворбоп блокларни тайёрлашнинг қўшимча харажатларини (асосий иш ҳақи, ижтимоий суғуртага ажратмалар, цех харажатлари ва рентабеллик) ҳисобга олиб, иккала вариант таннари деярли бир хил деб таъкидлаш мумкин. Лекин, кварцли порфир ва учувчан кул қўшилган ғовак тўлдирувчи енгил бетонни майда деворбоп блоклар тайёрлашда ишлатиш самарадорлиги аниқланган. Бунда, 15% миқдордаги цементни иқтисод қилиш, блокларнинг қотиш даврини 3,5 марта қисқартириш имконияти кўрсатилган.

1-Жадвал.

Кварцли порфир ва кўмирланган каолин гил тупроқли енгил бетонлар таркиби ҳисоб китоби, 1м<sup>3</sup>

Материалнинг номи	1м <sup>3</sup> га ишлатиладиган меъерий сарф	Ўлчов бирлиги
Цемент ПЦ 400 Д20	195	кг.
Сув миқдори	142	Литр
Кварцли порфир ҳажми (зкг)	0.8	м <sup>3</sup>
Доналари 5-10 ммли кварцли порфир(кгт)	300	кг.
Доналари 10-20 ммли кварцли порфир(кгт)	450	кг.
Учувчан кул (Ангрен ИЭС)	5,85	кг.
Бетон қоришма зичлиги	1614	кг/м <sup>3</sup> .
Бетон зичлиги маркаси	1200	D
Бетон қоришманинг умумий оғирлиги	1614	кг.
С/Ц	0.59	
Ц:Қ:Ш:С пропорциялар	<b>1 : 3.1 : 1.5 : 0.6</b>	кг да.
<b>Қиймати</b>		
Цемент	600	кг/сўм.
Кварцли порфир (кгт)	900	кг/сўм.
Учувчан кул (Ангрен ИЭС)	80	кг/сўм.
Умумий қиймати	1580	кг/сўм.

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Доналар бўйича натижалар	
		5-10	10-20
Ўртача зичлик	кг/м <sup>3</sup>	750	730
Цилиндрда сиқилгандаги мустаҳкамлик	МПа	2,5	2,3
1 соатдан сўнг сув шимиши	%	15,5	14,5
Совуққа чидамлик	Цикллар	50	50

Жадвалга кўра, учучан кул кўшиб цемент сарфининг камайиши ҳисобига энгил бетон ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлиги йилига **239,5** млн сўм ни ташкил қилган.

## ХУЛОСАЛАР

“Тўсиқ конструкциялар учун кўмир чиқиндилари асосидаги ғовак тўлдиргичли энгил бетонларнинг хоссалари ва технологик ва хусусиятлари” мавзуси бўйича техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг экспериментал ва назарий тадқиқотлари натижалари бўйича қуйидаги умумий хулосалар қилинган:

1. Кварцли порфир ва кўмирланган гилдан тайёрланган ғовак тўлдирувчили энгил бетон оптимал таркиби аниқланган ва унинг таркибини аниқлаш имконини берувчи боғлиқликлар олинган.

2. Адабиёт манбаларини таҳлилига кўра, қўйилган мақсадга эришиш учун, энг кулай минерал тўлдирувчи сифатида биз учувчан кулни қабул қилинганмиз ва у фақатгина структура ҳосил бўлиши жараёнига ижобий таъсир кўрсатмасдан, балки тизимдаги адгезион хусусиятларини ҳам яхшилаши (тўлдирувчи+боғловчи) асосланган.

3. Ғишт териш ўрнига энгил бетондан тайёрланган майда донали деворбоп блокларидан комплекс фойдаланиш – девор оғирлигининг 20-30% га пасайиши билан бирга, деворлар иссиқлик-техник хусусиятларининг яхшиланишини таъминлайди. Бунга кўра, эксплуатация даврида биноларни иситиш ва совитиш учун 50% гача энергияни тежаш таъминланади.

4. Мустаҳкамликнинг максимал кўрсаткичига эришиш учун, энгил бетон учун майда тўлдирувчи сифатида, майдаланган ғовак тўлдирувчидан эмас, балки кварцли кумдан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги экспериментал тасдиқланган.

5. Турли маркадаги энгил бетоннинг оптимал таркиблари олинган ва мустаҳкамлик чегараси сиқилишда энгил бетоннинг ўртача зичлигига боғлиқлиги аниқланган. В5-В10 классдаги конструкцион энгил бетонлар олиш имкони исботланган. Иссиқлик ва намликни йўқотишнинг оптимал вариантлари белгиланди, бу (2+8+2) соат ва буғланиш ҳарорати 80-85°С ни ташкил этди.

6. Тадқиқ қилинаётган ғовак тўлдирувчили энгил бетон классининг иссиқлик ўтказувчанлигини ўртача зичлигига боғлиқлиги аниқланган. Бетон классига кўра, ушбу коэффицент 0,47-0,62 чегарасида ўзгаради, бу мос қурилиш конструкциялари учун олинган бетондан фойдаланиш имкониятини кўзда тутди.

7. Тадқиқ қилинаётган енгил бетоннинг кетма-кет намлаш ва қуриштишга барқарорлигини характерлайди. Ўтказилган тадқиқотлардан кўринадики, турли классдаги бетонлар учун ушбу коэффициент 0,96 дан то 100 гача ўзгаради, бу аввал ўрганилган енгил бетонларнинг хусусиятларига ўхшашдир.

8. Ёишт билан ишлаб чиқарилган енгил бетоннинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини таққослаш, қийматнинг сезилмас ортиқлиги ҳақида гувоҳлик беради, лекин майда деворбоп блок массасининг камайиши, иссиқлик-техник кўрсаткичларни яхшилаш, иситиш учун энергия ресурслари сарфининг камайиши ва қурилиш-монтаж ишларининг осонлашуви – ушбу конструкциянинг аналогга нисбатан энергия самарадор эканлигини кўрсатади.

9. Майда деворбоп блокларни тайёрлаш учун, кварцли порфир ва учувчан кул қўшилган ғовак тўлдирувчили енгил бетондан фойдаланиш самарадорлиги аниқланган. Бунда цементнинг 15% миқдорида тежаш, блокларнинг қотиш даври эса 3,5 марта қисқариши имконияти аниқланган.

10. “Қурилишматериаллариинвест” МЧЖ да Ангрен ИЭС микротўлдирувчи (учувчан кул) қўшимчасини деворбоп майда блоклар ишлаб чиқариш соҳасида уларни энергия самарадор, цементни тежаш имконини берувчи енгил бетоннинг таркиби ишлаб чиқилди. Шу билан бирга қўшимчаларсиз енгил бетон ишлаб чиқариш билан солиштирилганда цемент тежалиши йиллик 239,5 млн сўмни ташкил қилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.26/30.12.2019.Т. 11.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ АРХИТЕКТУРНО-  
СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ АРХИТЕКТУРНО-СТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ  
НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-СТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ**

**ХАСАНОВ БАХРОМ БАХОДИРОВИЧ**

**ОСОБЕННОСТИ ТЕХНОЛОГИИ И СВОЙСТВ ЛЕГКОГО БЕТОНА  
НА ПОРИСТОМ ЗАПОЛНИТЕЛЕ ИЗ ОТХОДОВ УГЛЕДОБЫЧИ ДЛЯ  
ОГРАЖДАЮЩИХ КОНСТРУКЦИЙ**

**05.09.05 – Строительные материалы и изделия**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Ташкент-2021 год**

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.2.PhD/T831.

Диссертация выполнена в Ташкентском архитектурно-строительном институте и Наманганском инженерно-строительном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице ([www.taqi.uz](http://www.taqi.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Шакиров Туйгуножон Тургунович</b> кандидат технических наук, доцент
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Цой Владимир Михайлович</b> доктор технических наук, доцент <b>Сатторов Зафар Мурадович</b> кандидат технических наук, профессор
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Ферганский политехнический институт</b>

Защита диссертации состоится «19» июля 2021 года в 9<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.26/30.12.2019.T.11.01 при Ташкентском архитектурно-строительном институте, (Адрес: 100011, г. Ташкент, улица Абдулла Кошеров, дом № 7а Тел: (99871) 241-10-84; факс: (99871) 241-80-00, e-mail: [devon@taqi.uz](mailto:devon@taqi.uz), [taqiatm@eda.uz](mailto:taqiatm@eda.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского архитектурно-строительного института (зарегистрирован за № 58). (Адрес: 100084, г.Ташкент, улица Малая кольцевая дорога, дом № 7. Тел.:(71) 235-43-40; факс: (998 71) 234-15-11), e-mail: [taqi atm@eda.uz](mailto:taqi atm@eda.uz).

Автореферат диссертации разослан «06» июля 2021 года.  
(Реостр протокола рассылка № 2 от «10» июля 2021 года)



**Х.А. Акромов**

Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., профессор

**Х.Х. Камалов**

Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., профессор

**Н.Н. Касимов**

Заместитель председателя научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность диссертации.** Стремительное развитие мировой строительной индустрии и рост цен на топливо и энергоносители приводят к необходимости создания и внедрения ресурсосберегающих и энергосберегающих технологий в производстве строительных материалов и изделий. В связи с этим, включая использование новых видов энергоэффективных материалов в области строительных материалов и изделий, эффективное использование энергосберегающих технологий, совершенствование новых строительных материалов, изделий и существующих технологий, тем самым вопросы улучшения физико-механических и физико-химических характеристики пористых заполнителей и легких бетонов занимают лидирующее место. В связи с этим особое внимание уделяется производству легкого бетона с пористыми заполнителями на основе местного сырья и отходов угледобычи, а также созданию энергоэффективных строительных материалов и изделий.

В мировой практике исследования и разработка легких бетонов с пористыми заполнителями направлены на улучшение их свойств. Ведутся широко масштабные научно-исследовательские работы направленные выбору эффективных пористых заполнителей для производства высококачественного, энергоэффективного легкого бетона, управление формированием структуры твердеющего цементного камня с использованием добавок золы-уноса, оптимизации состава легкого бетона, улучшения зоны контакта между пористым заполнителем и минеральным связующим, образованию прочной структуры бетона. В связи с этим все большее значение приобретают изучение физико-механических свойств легкого бетона, снижение расхода цемента с использованием местного сырья и ресурсов отходов угледобычи, производство энергоэффективных стеновых материалов.

В нашей Республике осуществляется ряд мер, направленных на развитие строительной индустрии, модернизации производства строительных материалов и изделий, эффективное использование местного и вторичного сырья при производстве строительных материалов, а также увеличение объемов производства. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определяет задачи, в частности, «...повышение конкурентоспособности национальной экономики, сокращение потребления энергии и материалов в экономике, ...повсеместное внедрение энергоэффективной технологий в производстве ..."<sup>2</sup>. Совершенствование технологии производства качественных и экологически чистых строительных материалов и изделий - одна из важных задач в реализации этих мер, в том числе при производстве легкого бетона с пористым заполнителем на основе местного сырья и отходов угледобычи.

---

<sup>2</sup>Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации Указа Президента Республики Узбекистан от 22 мая 2018 г. № УП - 5445 «О дополнительных мерах по оптимизации порядка реализации проектов и строительных работ в капитальном строительстве», Постановления № ПП-4198 от 20 февраля 2019 г. «О мерах по коренному совершенствованию и комплексному развитию отрасли строительных материалов», Постановления № ПП-4335 от 23 мая 2019 г. «О дополнительных мерах по ускоренному развитию промышленности строительных материалов» и задач, поставленных в других нормативных актах, связанных с этой деятельностью.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II. «Энергетика, энерго-и ресурсосбережение».

**Степень изученности проблемы.** Научные основы использования эффективных легких бетонов на пористых заполнителях в мировом опыте были разработаны такими зарубежными учеными как И.Н. Ахвердов, А.А. Аракелян, Ю.М. Баженов, Г.А. Бужевич, А.И. Ваганов, Г.И. Горчаков, Б.В. Гусев, Ю.П. Горлов, В.Г. Довжик, И.А. Иванов, С.М. Ицкович, Л.И. Карпикова, Н.А. Корнев, Л.П. Курасовой, Р.Л. Маилян, Ю.Д. Набиевский, Н.А. Попов, М.З. Симонов и др., которые внесли огромный вклад в исследования данной отрасли.

Отечественные ученые как А.Б. Ашрабов, А.А. Ашрабов, Б.А. Аскарлов, Х.А. Акрамов, Л.М. Ботвина, У.А. Газиев, Э. Касимов, И.Э. Касимов, Н.А. Самигов, А.А. Тулаганов, С.А. Ходжаев, Х.Х. Камилов, Ш.Р. Низамов, Г.И. Ступаков, Г.В. Самсонова, Ш.Ш. Шаджалилов, Р.Р. Юсупов, З.М. Сатторов и другие в течении многих лет вели и ведут исследования в области улучшения структуры, свойств легкого бетона внесли, и вносят огромный вклад в изучении строительных материалов, достигли определенных достижений, научных результатов.

